



КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИНИНГ ТАСНИФИ

Нурмухаммедова Гўзалхон Баҳодировна
Жамоат хавфсизлиги университети Жиноий-ҳуқуқий фанлар
кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17413354>

ARTICLE INFO

Received: 1st October 2025
Accepted: 15th October 2025
Published: 22nd October 2025

KEYWORDS

коррупция, жиноят субъекти,
мансабдор шахс, давлат
хизматчиси, махсус субъект,
жамоат хизматчиси, жиноят
кодекси, ҳуқуқий мақом,
халқаро конвенция, БМТ,
Европа Кенгаши, давлат
бошқаруви, халқаро
стандартлар, қиёсий таҳлил.

ABSTRACT

Мазкур мақолада коррупцияга оид жиноятларда жиноят субъектининг таснифи ва унинг ҳуқуқий-амалий аҳамияти атрофлича таҳлил этилган. Муаллиф коррупцион жиноятларнинг аксарият ҳолларда махсус субъект томонидан содир этилиши, жумладан мансабдор шахс, давлат ёки жамоат хизмати билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи шахслар иштирокида амалга оширилишини таъкидлайди. Тадқиқотда Россия, Қозоғистон ва Беларусь Республикаси қонунчилиги мисолида коррупция субъектининг ҳуқуқий таърифлари қиёсий таҳлил қилинган.

Коррупцияга оид жиноятларда аксарият ҳолларда айнан махсус субъект тушунчаси долзарбдир. Яъни, пора олиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби коррупцион жиноятларни фақат белгиланган хизмат мавқеига эга шахслар содир эта олади. Масалан, пора олиш ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятларининг субъекти одатда мансабдор шахс бўлиши кераклиги қонунларда белгилаб қўйилган. Шу боисдан, коррупциявий жиноят таркибидаги субъектининг тўғри талқини жуда муҳим: қайси шахслар бундай жиноятларни содир этиши мумкин ва уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми қандай бўлиши лозим?

Н.В.Бугаевская таъкидлаганидек, коррупцияга оид жиноятлар субъектларини аниқлаш мураккаб ва турли талқинларга эга. Асосий тоифалар қуйидагилар:

1. Мансабдор шахслар ва бошқарув функцияларини бажарувчилар — уларнинг хизмат мавқеидан фойдаланиб бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзгартириш имконияти жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини оширади.
2. Давлат ва муниципал хизматчилар — тўлиқ маънода мансабдор бўлмаса-да, улар хизмат мавқеидан фойдаланиб коррупцион муносабатларга аралашини мумкин. Бироқ уларнинг барчаси ҳам қонунчилик нуқтаи назаридан субъект сифатида қаралмайди.
3. «Оммавий хизматчилар» — юридик доктринада кенгайтирилган талқин сифатида жорий этилиб, давлат ёки жамият манфаати йўлида вазифа бажараётган шахслар коррупция субъекти сифатида эътироф этилади[1].

Россия Федерациясининг Жиноят кодексига мансабдор шахс тушунчаси махсус қисмининг тегишли бобида изоҳ орқали берилган. Кодексга кўра, “мансабдор шахс” деб

қуйидаги вазифаларни амалга оширувчи шахслар эътироф этилади: давлат органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларида ҳокимият вакили ваколатларини ёки ташкилотчи-буюруқ берувчи ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини доимий, вақтинчалик ёки махсус ваколат асосида амалга ошираётган шахслар; шунингдек давлат ёки муниципал корхона ва муассасаларда ана шундай ваколатларни бажараётган шахслар[2]. 2021 йилги қонун ўзгаришларига биноан, Россияда давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари раҳбарлари ҳам мансабдор шахсларга тенглаштирилган[2]. Демак, Россияда коррупцион жиноятларнинг пассив субъекти (пора олувчи ёки мансаб суиистеъмомчиси) фақат мансабдор шахс бўлиши мумкин. Шу билан бирга, қонунга кўра одатдаги давлат хизматчилари (мансабдор бўлмаган, масалан, техник ходимлар) фақат қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатларда жавобгарликка тортилади. Пора бериш (актив пора) эса, аксинча, ҳар қандай шахс томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноят турига киради – бу ерда бераётган шахс учун алоҳида махсус статус талаб этилмайди.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида коррупцион ҳуқуқбузарликлар субъекти кенг доирада белгиланган. Жумладан, Қозоғистон Олий суди қарорларида таъкидланишича, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг субъектлари деб қуйидаги шахслар тан олинади: барча мансабдор шахслар, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари, судьялар; давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ барча давлат хизматчилари; давлат функцияларини бажарувчи ёки бундай функцияларни бажаришга ваколатли шахслар; маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайланган шахслар; Республика Президенти, Парламент депутати ёки маҳаллий кенгаш депутати лавозимига номзод қилиб рўйхатдан ўтказилган шахслар; шунингдек давлат бюджети ҳисобидан маош олувчи маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари хизматчилари[3]. Келтирилган рўйхатдан кўриниб турибдики, Қозоғистон коррупция субъектларини жуда кенг қамраб олган: нафақат амалдаги давлат расмийлари, балки сайловда номзодлар, давлат улуши бор корхона ходимлари ҳам муайян ҳолларда коррупция субъекти бўлиши мумкин. Қолаверса, Қозоғистон ЖКда “мансабдор шахсга тенглаштирилган шахслар” тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, уларга давлат ташкилотида доимий ёки вақтинчалик вазифа бажараётган шахслар киради. Бу эса коррупцион жиноятлар субъекти доирасини янада кенгайтиради.

Беларусь Республикаси қонунчилигида мансабдор шахслар қуйидаги тоифаларни ўз ичига олади:

1. Ҳокимият вакиллари. Булар — Беларусь Республикаси Миллий мажлисининг Қонун чиқарувчи палатаси депутатлари, Миллий мажлис Республика Кенгаши аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, шунингдек, ўз ваколати доирасида хизмат жиҳатидан бўйсунмаган шахсларга нисбатан фармойиш ёки кўрсатмалар бериш ва қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат хизматчилари.
2. Жамоатчилик вакиллари. Давлат хизматчиси ҳисобланмаган, аммо белгиланган тартибда ҳокимият вакили ваколати билан таъминланган шахслар. Улар жамоат тартибини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ёки адолатни таъминлаш каби вазифаларни бажариш жараёнида ҳокимият вакили сифатида фаолият юритадилар.
3. Ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи шахслар. Булар — муассасалар, ташкилотлар ёки корхоналарда (мулкчилик шаклидан қатъи назар), шунингдек, Беларусь Республикаси Қуролли Кучларида, бошқа қўшинлар ва ҳарбий тузилмаларда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат асосида лавозим эгаллаб турган шахслардир. Улар ташкилий-фармойиш ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини

базаради ёки белгиланган тартибда ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эгадирлар.

4. Чет давлатларнинг мансабдор шахслари. Булар — хорижий давлатларда ҳамда халқаро ташкилотларда қонунчилик асосида ваколатга эга бўлган шахслардир. Ушбу тоифага чет давлатлардаги мансабдор шахслар (1–3-бандларда кўрсатилганлар каби), шунингдек, арбитраж судьялари, халқ ҳоқимияти ҳакамлари, халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари, халқаро парламент йиғилиши аъзолари, халқаро судлар судьялари ва мансабдор шахслари киради.

Бу изоҳ мансабдор шахс тушунчасининг кенг қамровли ва тизимли изоҳланишини намоён этади ҳамда коррупцияга оид жиноятларда субъектлик масаласини чуқурроқ ёритишга хизмат қилади.

Икки мамлакат қонунчилигида ҳам мансабдор шахс тушунчаси ҳуқуқбузарлик ва жиноят ҳуқуқи соҳасида махсус субъект сифатида ажратиб кўрсатилган. Улар учун умумий белгилар қуйидагилар:

- ташкилий-фармойиш ва маъмурий-хўжалик функцияларини бажариш – ҳам Ўзбекистон, ҳам Беларусь қонунларида мансабдор шахснинг асосий белгиси сифатида белгиланган;
- ҳуқуқий аҳамиятга эга қарор қабул қилиш ваколати – мансабдор шахс ўз ҳаракатлари орқали шахслар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин;
- ижтимоий хавф даражасининг юқорилиги – мансабдор шахс томонидан содир этилган коррупцион жиноятлар кенг жамоатчилик манфаатларига таҳдид солади, шу боис улар алоҳида тоифада белгиланади.

2. Беларусдаги кенгайтирилган талқин. Беларусь қонунчилигида мансабдор шахс тушунчаси анча кенг қамровли бўлиб, қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

- депутатлар ва маҳаллий кенгаш аъзолари;
- жамоатчилик вакиллари, яъни давлат хизматчиси бўлмаган, аммо ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тартиб сақлаш ёки адолатни таъминлаш вазифаларини бажараётган шахслар;
- чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар мансабдорлари, шу жумладан, арбитраж судьялари, халқаро судлар судьялари, парламент аъзолари.

3. Ўзбекистондаги йўналиш. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мансабдор шахс тушунчаси асосан ташкилий-фармойиш ва маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи давлат хизматчиларига нисбатан қўлланилади (ЖК изоҳлари ва 205-модда). Қўшимча равишда, сўнгги ислоҳотлар билан хусусий сектор хизматчилари ҳам (ЖК 192⁹–192¹¹-моддалари) мансабдор шахс сифатида қаралмоқда. Аммо Ўзбекистон қонунчилигида жамоатчилик вакиллари ёки халқаро ташкилотлар мансабдор шахслари алоҳида субъект сифатида назарда тутилмаган.

4. Фарқли жиҳатлар.

- Беларусь қонунчилигида мансабдор шахс тушунчаси кенгайтирилган, яъни нафақат давлат хизматчилари, балки депутатлар, жамоатчилик вакиллари ва халқаро ташкилотлар мансабдорлари ҳам киради.

● Ўзбекистон қонунчилигида эса асосий эътибор давлат органлари ва хусусий сектор хизматчиларига қаратилган, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар мансабдорлари эса алоҳида назарда тутилмаган.

● Беларусь қонунчилигидаги талқин интернационал хусусиятга эга бўлса, Ўзбекистон қонунчилигида у асосан миллий тизим ичидаги субъектлар билан чекланган.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Беларусь Республикаси қонунчилигида мансабдор шахс тушунчаси кенгроқ қамраб олинган ва халқаро муносабатларни ҳам ҳисобга олади. Ўзбекистон қонунчилигида эса бу тушунча таркибий жиҳатдан аниқроқ, лекин чекланганроқ. Шу боис, келгусида Ўзбекистонда ҳам халқаро стандартларга уйғунлаштириш мақсадида жамоатчилик вакиллари ва халқаро ташкилотлар мансабдор шахсларини субъект сифатида қамраб олиш масаласи назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Франция Жиноят кодексида коррупция субъекти учта асосий тоифага ажратилади: 1) «давлат ҳокимияти вакили» (масалан, президент, полициячи, нотариус); 2) «сайлаб қўйилдиган мандатга эга шахс»; 3) «давлат вазифасини бажариш топширилган ҳар қандай шахс». Охириги тоифага давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлмаса-да, жамоат манфаатларини қондириш учун масъул бўлган шахслар (масалан, давлат телеканаллари журналистлари, университет ректорлари) киритилиши мумкин.

Германия Жиноят кодексига мувофиқ, «давлат хизматчиси» — бу Германия қонунчилигига биноан давлат хизматчиси ёки судья бўлган, давлат бошқаруви вазифаларини бажарувчи ёки давлат маъмурий хизматларини кўрсатишга ваколатли бўлган ҳар қандай шахсдир. Шунингдек, «Европа мансабдор шахси» деган алоҳида тушунча ҳам киритилган бўлиб, унга Европа Иттифоқининг турли идоралари, жумладан, Европа Комиссияси, Марказий банки ва судлари ходимлари кирилади.

Греция Жиноят кодексида мансабдор шахс давлат секторига ёки Греция давлати номидан доимий ёки вақтинчалик асосда жамоат хизматини кўрсатувчи ёки вазифаларни бажарувчи шахс сифатида белгиланган. Порахўрликка оид жиноятлар контекстида бу тушунча янада кенгайтирилиб, қисман ёки тўлиқ давлатга тегишли бўлган ташкилотлар ёки компаниялар ходимларини ҳам қамраб олади[4].

Юқорида баён этилган таҳлиллардан кўринадики, дунё амалиётида **коррупцияга оид жиноятлар субъекти** тушунчаси давлат хизмати ва жамоат вазифаларини қамраб олган ҳолда кенг талқин этилади. Халқаро конвенциялар барча иштирокчи давлатларни “оммавий мансабдор шахс” атамасини функционал маънода кенгроқ белгиллашга даъват этади. Кўплаб мамлакатлар (жумладан, Россия, Қозоғистон, Корея ва ҳ.к.) ўз қонунларида давлат улуши бор ташкилот ходимларини, давлат томонидан махсус топшириқ бажараётган шахсларни ҳам коррупцион жиноятлар махсус субъекти сифатида эътироф этишган. Шу билан бирга, айрим юрисдикцияларда (масалан, Беларусь, Германия) амалдор тушунчасини чегаралаш, фақат бошқарув ваколатига эга шахслар билан чеклаш тенденцияси ҳам кузатилади.

Ўзбекистоннинг бу борадаги қонунчилиги ҳам халқаро меъёрларга мувофиқ равишда ривожлантирилмоқда. Мамлакатимиз 2008 йили БМТ Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди ва 2010 йилда Европа Кенгашининг Жиноят-ҳуқуқий коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилди. Миллий қонунчилигимизда “мансабдор шахс” тушунчасига изоҳ берувчи қондан киритиш таклифлари ҳам илгари сурилган. Амалда, **Жиноят кодекси “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” бўлимида** “мансабдор шахс” тушунчаси баён этилган бўлиб, у “доимий, вақтинча ёки махсус

ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс"[5] эканлигини кўрсатади. Шу асосда, пора олиш (210-модда) ва бошқа мансабдорлик жиноятлари субъекти фақат мансабдор шахс бўлиши мумкин. Пора бериш (211-модда) субъекти эса умумий — ҳар қандай лаёқатли шахс бўлиши мумкин.

Таҳлил қилинган мамлакатлар қонунчилигида «давлат мансабдор шахси» атамаси тор маънодаги давлат хизматчилари билан чекланиб қолмайди. Коррупцияга оид жиноятлар субъекти сифатида, кўп ҳолларда, давлат улуши бор корхоналар вакиллари, халқаро ташкилотлар ходимлари, шунингдек, давлат вазифаларини бажарувчи, лекин расмий давлат хизматчиси бўлмаган шахслар ҳам тан олинади. Бу эса коррупцияга қарши курашда жиноят субъекти доирасини кенг қамровли аниқлаш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Миллий қонунчиликни такомиллаштиришда ушбу халқаро тажрибани инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бугаевская Н. В. Служащие как субъекты коррупционных преступлений // Государство и право. — 2023. — № 8. — С. 48–58.
2. ["Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ \(ред. от 31.07.2025\) \(с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2025\) // consultant.ru](#)
3. Субъекты правонарушений, связанных с коррупцией // [uchet.kz](#)
4. How do you define a public official and how does that definition vary between the FCPA, UK Bribery Act and French, German and Greek criminal codes? (Как вы определяете государственного служащего и как это определение различается в FCPA, Законе Великобритании о взяточничестве и уголовных кодексах Франции, Германии и Греции?) // [reedsmith.com](#)
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453#271724>